



ҚОЗОҒИСТОН ОҲУСИ

Кўкчатовда кўк камзулли бир оҳу кўрдим,
Таажжубки, оёғида қизил этикча.
Кўз узолмай узоқ маҳал термулиб турдим,
Сунг изидан кетавердим бошим эгикча.
Шўх, чиройли сўқмоқларда қадам-бақадам
Ўктөгмасга қадар чиқдим изидан бориб.
Оҳу эмас, афсонага дуч келдим шу дам,
Во дариго, қайтиб тушдим чарчаб ва ҳориб.
Ойнакўлга бориб қолдим айлаб мен шитоб,
Кўк камзулли у оҳуни излаб сар-сари.
Ойнакўлнинг тубида ҳам кўринди шу тоб
Оҳу эмас, қозоқ шеърин тоза мавжлари.
Сайёҳликнинг ўжар қалби тутиб кўлимдан
Кетавердим, кетавердим сарсон-саргардон.
Мовий кўллар, чўнг ўрмонлар чиқди йўлимдан,
Оҳ, бунчалар кенг экансан, жон Қозоғистон!
Излайвериб, ҳориб булгач оқибат бир тун
Кўктепага чиқиб олиб ўй сурдим узоқ.
Олмаота чарх урарди теграмда бутун,
Сўзласанг-чи, бу қандай ҳол, муҳтарам қозоқ.
У мен кўрган оҳу қани, қайда у жайрон,
Қайси жойни макон этган у нозик ниҳол?
Дейдиларки, қозоқ элин кезабەر ҳайрон,
Ҳар қайда ҳам у бир карра кўргазгай жамол,
У Абайнинг армонидир — нозланиб турган,
У Олатов сулувининг мақоми эрур.
Кечагина нортуяни қувалаб юрган
Қозоқларнинг карашмали илҳоми эрур.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.